O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 29 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 25 (7220)

Da'vat

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.
Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 143-мактаб ҳовлисида "Соғлом авлод боғи" ташкил этилди. Айни кунда қизғин баҳорги юмушлар бажарилаётган ушбу боғ тез орада ўз меваларини бериши, шубҳасиз.

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН ЯКУНИ

Munosabat

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов яқинда Россия Федерацияси Президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путин номига табрик мактубини йўллади. "Муҳтарам Владимир Владимирович, — дейилади мактубда, — Сизни Россия Федерацияси Президенти сайловида қатъий ғалабага эришганингиз билан чин юракдан муборакбод этаман." Мактубда В.Путиннинг ўтган йили мамлакатимизга қилган ташрифи натижалари хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтилади: "1999 йил декабрда мамлакатимизга буюрган ташрифингиз якунлари бўйича стратегик ва узоқ муддатли ҳамкорликка кучли туртки берилгани, анъанавий дўстлик муносабатлари халқларимиз ўртасида тенглик, ҳурмат ва ўзаро ишонч асосида Марказий Осиё ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида янада кенгайиб, чуқурлашиб боришига ўзбекистонликларнинг ишончи комил".

Шунингдек, Ислом Каримов билан Владимир Путин ўртасида телефон орқали ҳам суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси раҳбари В.Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига сайлангани билан самимий қутлаб, унинг Россиянинг равнақи йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Дарҳақиқат, шу йил 26 март куни Россияда бўлиб ўтган ва Россиядаги сиёсий жараёнларнинг муҳим босқичи сифатида баҳоланаётган Президент сайловида Владимир Путин қатъий ғалабага эришди ва Россиянинг янги Президенти этиб сайланди. Ўтган сайловлар натижаси В.Путиннинг мамлакатдаги энг машҳур сиёсатчи эканлигини намойиш қилди. Ҳатто сайлов арафасида кўпгина кузатувчилар билдирган Россиянинг янги президентини аниқлаш сайловнинг иккинчи турига қолиши хусусидаги башоратлар ҳам тўғри чиқмади. Мамлакат Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларидек В.Путиннинг 52 фоиздан кўп сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлганини кўрсатди. Кейинги ўринда коммунистлар раҳбари Геннадий Зюганов 30 фоизга яқин сайловчининг овозини олишга эришди, холос.

Халқаро жамоатчилик Россиядаги ушбу сайлов натижалари мазкур давлатда янги сиёсий босқични бошлаб беражагини таъкидламоқдалар.

Кўклам нашидаси

Янги нашрлар билан танишинг 2-бет

Ўқувчиларда нафосат туйғусини шакллантириш 3-бет

Ногиронлар манфаатини ўйлаб... 3-бет

Такаллуф учун айтилмаган табриклар 4-бет

"ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ!"

(Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқувчиларининг ташаббуси ҳақида)

Tashabbus

Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларининг ихтиёрий равишда Президент асарларини ўрганиш ташаббуси билан чиқиши, шубҳасиз, бугун бўлмаса, эрта ўз аҳамиятини намойиш қилади.

Дарвоқе, бу даргоҳда Президентимиз Ислом Каримов таълим олган. Бугунги кунда мактабда 1779 нафар ўқувчига 80 нафар ўқитувчи-таълим-тарбия бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Банк Ассоциациясининг ёрдами билан ташкил қилинган банк синфлари эҳтимол ана шу ташаббуснинг тагзамини бўлгандир. Банк синфларини битирган 26 нафар ўқувчидан 19 киши ўтган йили турли олий ўқув юртларининг талабаси бўлишди.

Бу нимани кўрсатади?

Банк синфларининг ўқувчиси бўлиш ҳар бир болага ҳам насиб этавермайди. Иқтидорли, ўз келажагини аниқ тасаввур қила оладиган, мустақил фикрини қўрқмасдан айтишга журъат этадиган болаларгина ана шу синфда ўқишга лойиқ деб топиладилар.

...1999 йилнинг декабрь ойида шаҳар қўғирчоқ театр биносида Х"А" ҳамда XI "А" банк синфларининг беллашуви бўлиб ўтган ва бунда кичик ёшдагиларнинг қўли баланд келган эди. Ўшанда бир нечта саволлар Президент асарларидан бўлиб, тўғриси, бунга ҳар иккала синф алоҳида тайёргарлик кўришган эди.

Ана шу беллашувдан сўнг, ўқувчилар бу мавзуга қизиқиб қолишди. Ўз муаллимларига талаб қўйишди: "Бизга Президент асарларини ўргатинг!" Ўқитувчилар ҳам шошиб қолишмади. Кутубхонада барча асарлар муҳайё эди.

Шу вақтга қадар бунга аҳамият беришмаганидан ўзлари андак хижолат ҳам тортгандек бўлишди.

Ҳечдан кўра ҳеч бўлсада, мойиллик, ихтиёрийлик туғилди.

Тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчилари Маҳфуза Сайфиева, Дилором Раупова, Саломат Қозоқоваларнинг «тинчи» бузилди.

Бугунги кун ҳам аслида тарих. Демак, давлатимизнинг ҳозирги сиёсати ўзининг муфассал аксини топган бу асарлар ана шу фаннинг таркибига кўпроқ ва чуқурроқ сингдирилиши керак. Бошқа фан — табиат, география, математика, меҳнат, жисмоний тарбия, "Маънавият асослари", "Одобнома" ва ҳоказо фанлар ўқитувчилари ҳам изланишга саъй-ҳаракат бошлашди.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда ушбу қарорга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидент жисмоний шахсларга фақат эркин алмаштириладиган валютада кўрсатиладиган пулли хизмат рўйхати (1-илова) матбуотда эълон қилинди.**

• **"Жаҳон" АА хабар беришича, 24 март куни Россиянинг ТВ-6 телеканали мухлислари "Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" илмий-публицистик туркумдаги учинчи ҳужжатли фильмнинг Умумроссия премьерасини томоша қилиш имконига эга бўлдилар.**

• **АҚШда журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси эълон қилган маълумотга кўра, ўтган йили дунё бўйича 34 журналист хизмат вазифасини ўтаётганда ҳалок бўлган.**

• **Шри-Ланка полицияси мамлакатга гиёҳванд моддалар олиб киришга уринган жиноятчиларни қўлга олди. Улардан Ҳиндистондан кемада келтирилган 38 килограмм героин мусодара қилинди.**

• **Таиланддаги вояга етмаганлар сақланадиган "Бан метта" қамоқхонасидан 7-18 ёшдаги 150 нафар жиноятчи қочиб кетди.**

• **Нигерия жануби-ғарбидаги нефть қувурларидан бирининг портлаши оқибатида 50 га яқин киши нобуд бўлди.**

• **Руанда Президенти Пастер Бизимунга истеъфога чиқишини эълон қилди, ушбу истеъфо сабаблари ҳозирча маълум эмас.**

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МУТАХАССИСЛАР САЛОҲИЯТИ ҚАНДАЙ?

Attestatsiya

Янгидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ишга қабул қилинаётган ўқитувчи ва муҳандис-педагогларни аттестациядан ўтказувчи комиссиялар уларни педагогик маҳоратлари, маънавият ва маърифатга доир билимлари ҳамда тарбиявий ишларидаги фаолиятлари юзасидан шаҳодатладилар.

Аттестация жараёни 3 босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар билан "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлар, маънавият ва маърифат масалалари хусусида иккинчи босқичда ўз ихтисосликлари бўйича тест синовлари ҳамда учинчи босқичда суҳбат ўтказилди. Учта босқич натижалари асосида улар даъвогарлик қилаётган лавозимларига "лойиқ", "шартли равишда лойиқ" ва "нолойиқ" деган хулоса чиқарилди.

Мамлакатимиз бўйича 1999-2000 ўқув йилида янгидан ташкил этилган 15 та академик лицей ва 102 та касб-ҳунар коллежларининг 3202 нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагоглари аттестацияда қатнашдилар. Уларнинг 395 нафари академик лицейларнинг ўқитувчи-педагоглари бўлиб, шундан 250 нафари лойиқ, 94 нафари шартли равишда лойиқ, 51 нафари нолойиқ деб топилдилар. Касб-ҳунар коллежларининг 2807 нафар ходимларидан 1829 нафари лойиқ, 762 нафари шартли равишда лойиқ ва 216 нафари нолойиқ деб баҳоландилар.

Комиссиялар аттестация қилинган ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг қуйидаги камчилик ва хатоликларга йўл қўйганликларини ҳисобга олиб, уларни даъвогарлик қилаётган лавозимларига "нолойиқ" деб эътироф этдилар:

— тест синовлари кўрсаткичлари бўйича рейтинг кўрсаткичи 55 фоиздан кам натижа кўрсатганликлари;

— суҳбат жараёнида мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва сиёсий ислоҳотларнинг туб маъносини тушуна олмасликлари, янгича тафаккурга эга эмасликлари;

— ўз ихтисосликлари бўйича етарли билимларга эга эмасликлари;

— илғор ва янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари ҳақида етарлича тасаввурга эга эмасликлари;

— туман, вилоят, республика ва халқаро олимпиадаларга ўқувчилар тайёрлашга лаёқатлари йўқликлари;

— намунавий ўқув режалари ва дастурларида мавжуд бўлган жиддий камчиликларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдира олмасликлари ва ҳоказо.

Аттестацияда академик лицейларнинг 168 (42,5%) нафар олий тоифали ҳамда 70 (17,7%) нафар илмий даражали ўқитувчи-педагоглари қатнашдилар. Айрим академик лицейларда, жумладан ЎзДЖТИ, ТТЙТИИ, ТДШИ, ТЭАИлари қошидаги академик лицейларда ҳамон 1—2 нафар илмий даражали ўқитувчилар фаолият кўрсатаяптилар, холос. Олий тоифали ўқитувчи-педагоглар сони ТерДУ, ТошДТУ, ЎзДЖТИ ва ТЭАИлари қошидаги академик лицейларда эса, атиги 5—6 нафарни ташкил қилади. Бу эса ўртача кўрсаткичдан 1,8—2,2 марта пастдир.

Аттестацияда қатнашган ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган жами ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг 10,7% олий, 26,4% биринчи, 1,5% иккинчи тоифали бўлиб, уларнинг 0,76%и илмий даражага эга. Бу кўрсаткичларни янги турдаги таълим муассасалари учун қониқарли деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЮРТИМИЗДАГИ ИХТИРО

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари маҳаллий фосфорит хом ашёсидан суперфосфат олишнинг замонавий технологиясини яратишди. Мазкур технологиянинг бошқа усуллардан афзаллиги шундаки, фосфорит парчаланиши, қуритиш ва дорилаш жараёнлари бир вақтда битта ускунада, қисқа фурсатда бажарилади.

БМТ МАЪЛУМОТИДА АЙТИЛИШИЧА

Ҳозир дунёда 130 миллион бола умуман мактабга бормайди. Бу кўрсаткич Ер юзидаги жами болаларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади. Маълумотларда айтилишича, бу болаларнинг ҳаммаси ўқиши учун йилига етти миллиард доллар (АҚШ) миқдорида маблағ зарур бўлади.

КОМПЬЮТЕР ОРҚАЛИ ЎҚИЛАДИ

Китобшунос ва арабшунос олим Абдулазиз Хаттоб томонидан мисдан тайёрланган ва 10 тонна оғирликка эга бўлган улкан Қуръони Карим китоби Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Ушбу китобнинг ҳар бири 20 килограмм оғирликка эга бўлган саҳифалари компьютер орқали варақланади ва ўқилади.

ДАҲШАТЛИ РАҚАМЛАР

Намибия СПИДга қарши курашни мувофиқлаштирувчи миллий дастури маълумотларида айтилишча, бугунги кунда бу мамлакат аҳолисининг 35 фоизи СПИД билан хасталанган. Ҳатто баъзи туманларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ҳам ошиб кетган. Шифокорлар агар аҳвол шу тарзда давом этса, тез орада СПИД муаммоси Намибиянинг миллий кулфатига айланишини таъкидламоқда.

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ЎТАЯПТИ

Olimpiada — 2000

Умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг республика олимпиадаси ҳар галгидек Наврўзи олам тантаналарига уланиб кетди. Кеча 1-Тошкент педагогика билим юртида бошланган бу тадбир шуниси билан аҳамиятлики, унда энг истеъдодли болалар кашф қилинади.

Албатта, олимпиадада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан саралаб олинган иқтидорли ўғил-қизлар ўз фани юзасидан эгаллаган билимларини намоён этиш билан бирга улар ҳар қандай синовга руҳий тайёргарлик, сабр-бардошлилик хислатларини ҳам кўрсата билишлари зарур. Негаки, 3 та совринли ўринга 14 нафар олимпиада иштирокчиси даъвогарлик қилаяпти. Шу боис, компьютерда ишлаш жараёни ҳам қатнашчилардан ўта зийракроқ бўлишни талаб этади.

Олимпиада аввалида ўтказилган кичик йиғилишда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов ўзининг бу борадаги мулоҳазаларини баён қилиб, беллашув Низомидаги тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя қилинишини талаб қилди. Сўнгра РТМ директори Гуландон Алимова биринчи гуруҳ синовда иштирок этувчиларни компьютер хоналарига таклиф қилиб, берилган 2,5 соатлик имкониятдан унумли фойдаланишни маслаҳат берди ва уларга муваффақиятлар тилади.

Истеъдодли ўқувчилар баҳс майдонига йўл олишди. Олимпиада Низомига кўра, совринли ўринга даъвогарларнинг тўплаган баллари юқори бўлиши керак. Зўр, зукко, истеъдодли ўқувчи мусобақа куни энг юқори — 100 балл ҳам тўплаши мумкин. 1, 2, 3-ўринлар 100, 98, 96 балл тартибида белгиланади. Мабодо, бир ўринга икки даъвогар тўғри келиб қолса, улар учун 10 та саволли қўшимча синов ўтказилади...

Йиғилиш якунида таъкидлаб ўтилганидек, эртага РТМ мажлислар залида олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими бўлади. Унда икки кунлик мусобақада ғолиб чиққан ва иштирок этган ўқувчилар хизматларига яраша тақдирланишади. Хуллас, айни пайтда баҳслар жуда қизғин ва муросасиз ўтаётир.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ: ДЕМОКРАТИЯ ВА ПСИХОЛОГИЯ

Jarayon

Ҳамма ўқитувчиларга маълумки, ўқувчилар билим даражасини баҳолашнинг рейтинг тизими икки вариантда амалда қўлланилмоқда, қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда, янада мукаммаллашмоқда. Биз 64-лицей ўқитувчилари ҳам бу янгиликлардан четда қолганимиз йўқ. Ўзаро кенгашиб иккинчи вариант асосида иш бошладик.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси Зиёдулла Раҳмоновнинг "Маърифат" газетасининг 2000 йил 8 январь сонида "Қоидага амал қилинса..." номли мақоласи, 5 февраль сонида эса бир неча муаллифлар, ҳаммуаллифликда берган "Рейтинг тизими такомиллашмоқда" деб аталган мақола ушбуни ёзишимга туртки бўлди. Юқорида айтилган мақолаларда кўпроқ биринчи вариант маъқулланмоқда, улар иш фаолиятида ижобий самара бераётганлигини айтишади. Баъзи томонларини мукаммаллаштириш хусусида ҳам фикрлар айтилган. Хўп, менинг иш фаолиятимда қайси вариант қўл келмоқда?

Мен она тили ва адабиёти фанлари дарсларида иккинчи вариантни қўллай бошладим. Албатта, низомлар билан обдон танишдим. Ва иккинчи вариантни маъқул кўрдим.

Нима учун иккинчи вариантни танладим? Шунинг учунки, у ўқувчини кўпроқ ўқишга, изланишга ундайди. Ўқувчи мустақил изланишга киришади, ўзига ишона бошлайди, суяна бошлайди. Албатта, менда ҳам назарий ва амалий жиҳатлар боғланиб кетгунча тушунмовчиликлар бўлиб турди. Мен ҳам жорий назоратда тўрт нафардан кўпроқ ўқувчини баҳолайман.

ОН ва ЯНда эса ҳамма ўқувчиларни баҳолайман. Ижодий ишда ҳамма ўқувчи баҳоланади. Мен ҳам ЖНда (8-9-7-7 ўртача 7) ўртачасини чиқараман. Ижодий ишни ҳаммадан талаб қилиш қийину реферат, мақола, шеър ёзганига қараб баҳолаш (саҳна асарларида қатнашиши, ифодали шеър ўқиши каби томонларини киргизиш) мумкин. Ижодий иш ҳам максимал балл билан баҳоланади. ЖН эса соатлар сонига қараб 1-2 маротаба ўтказилиши мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Баъзи академик лицейларнинг директорлари ва уларнинг ўқув ишлари бўйича муовинлари умумтаълим фанлари бўйича мутахассис бўлмаганликлари оқибатида ўқув жараёнини чуқур англаб етаолмаяптилар.

Мустақил фикрлаган одам бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай ишни уддалай олади, ўз ҳуқуқини ҳам талаб қила билади.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МУТАХАССИСЛАР САЛОҲИЯТИ

(Боши 1-бетда)

Аттестация натижасида қуйидагилар аниқланди. Хусусан, кўпгина таълим муассасаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларига совуққонлик билан қараганликлари оқибатида таянч маълумоти мос келмайдиган кадрлар ўқув-тарбия жараёнига жалб қилинган. Бундай ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар эгаллаб турган лавозимларига нолойиқ деб топилдилар. Аттестация ўтказилган қатор академик лицейларда малакали ўқитувчи-педагогларни танлашда ўта масъулиятсизликка йўл қўйилган. Натижада бундай таълим муассасаларида илмий-педагогик салоҳияти кучли бўлмаган, тажриба ва малакаси кам ҳамда дунёқараши саёз кадрларнинг анчагина қисми (20-31,5 фоизгача) эгалламоқчи бўлган лавозимига нолойиқ деб топилди. Ваҳоланки, академик лицейларда илғор ва етук, илмий даража ва унвонларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланишлари лозим.

Аттестация жараёнида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг орасида саёз билимга эга бўлганлари аниқланди. Улар ўзлари дарс берадиган ўқув предметларидан етарли даражада билимга эга эканликларини кўрсата олишмади. Бундай ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар айрим формула ва тенгламаларни тушунмайдилар, қонунлар моҳиятини англаб етмайдилар, унча мураккаб бўлмаган машқ ва масалаларни ечишда қийналишади. Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ғоявий, маданий-маърифий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа ўзгаришларга бефарқ қаровчи ҳамда илмий-маърифий салоҳияти ва имловий саводхонликлари паст ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг борлиги аниқланди. Бундан ташқари, айрим ўқитувчилар ўз ихтисосликлари бўйича берилган 10 та тест топшириғининг атиги биттасига тўғри жавоб берган бўлсалар, ҳатто баъзилари бирортасига ҳам жавоб бера олмадилар. Уларнинг баъзилари ўз устида ишламасдан "қотиб" қолганлар. Ўқув йили бошланганлигига 2—4 ой ўтган бўлишига қарамасдан уларнинг айримларида иш режаларининг йўқлиги, бу ўз ишларига ўта масъулиятсизлик билан ёндашганликларининг оқибатидир.

Таълим муассасаларининг айрим раҳбарлари ўқув режалари бўйича мутахассислар билан тўла таъминлаш устида сусткашлик билан шуғулланганликлари натижасида қатор ўқув предметларидан машғулотлар ўтилмаган ҳоллари аниқланди. Масалан, ТерДУ қошидаги Шеробод академик лицейида 3 та фандан, Сариосиё туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 3 та фандан, Денов туман Ҳазорбоғ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 3 та фандан, Урганч шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 3 та фандан, Вобкент туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 4 та фандан, Навоий шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежида 2 та фандан, Ғиждувон туман қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежида 4 та фандан, Қибрай туман Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 1 та фандан, Денов туман Юрчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 3 та фандан, Нукус шаҳар педагогика касб-ҳунар коллежида 2 та фандан, Нукус шаҳар тиббиёт касб-ҳунар коллежида 2 та фандан, Урганч шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежида 3 та фандан, Косонсой шаҳар енгил саноат касб-ҳунар коллежида 6 та фандан ўқув машғулотлари ўтказилмаган.

Кўпчилик касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устахоналари мутахассислик фанлари бўйича дарс ўтишга тайёр эмас. Станоклар, қурилмалар, қурол-аслаҳалар, ўқув жиҳозлари моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган. Ҳатто айрим йўналишлар бўйича мутлақо тайёргарлиги бўлмаган шундай турдаги таълим муассасалари мавжуд. Масалан, Нукус шаҳар саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида экология йўналиши (директори Бобоқулов Қ.), ишлаб чиқариш таълими усталари узоқ йиллардан буён малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтмаганлар. Пировардда улар замонавий станок ва қурилмалар билан ишлаш кўникма ва малакаларини ўзлаштира олишмаган.

Ўрганилган таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган кўпчилик ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг амалдаги қонунчиликка, меъёрий ҳужжатларга, халқимиз ва давлатимиз тарихига эътиборнинг камлиги билинди. Аттестация жараёнида айрим ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар таълим тизимини ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари олдида турган долзарб муаммолар хусусидаги муҳим саволларга жавоб бера олмадилар.

Баъзи академик лицейларнинг директорлари ва уларнинг ўқув ишлари бўйича муовинлари умумтаълим фанлари бўйича мутахассис бўлмаганликлари оқибатида ўқув жараёнини чуқур англаб етаолмаяптилар.

Аттестация жараёнида талабаларнинг билим савиялари, шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техник ва ўқув-лаборатория базалари, ўқув-методик адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражалари ўрганилиб, қуйидагилар аниқланди:

— ўрганилган таълим муассасаларининг аксариятини ҳукумат комиссияси қабул қилиб олмаган;

— мебеллар билан тўла таъминланмаган;

— IBM синфлари энди олинаяпти, кўпчилигида эса ўрнатилмаган;

— лингафон синфларининг аҳволи ночор;

— бирорта ҳам таълим муассасасида кимё, физика лабораториялари ишга туширилмаган (олинмаган ёки энди олинмоқда);

— "Кенг йўналишдаги рассом", "Вино ишлаб чиқариш саноати устаси" каби йўналишлар бўйича ўқув режалари йўқ, расм ва тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ўқув предметлари бўйича ўқув дастурлари тасдиқланмаган;

— деярли барча таълим муассасаларида махсус фанлар бўйича ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар етарли эмас;

— кўпчилик касб-ҳунар коллежларида молия, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, тижорат фаолияти, ҳуқуқшунослик каби йўналишлар очилган. Аксарият ҳолларда бу йўналишлар бўйича умумий қабул талабаларнинг кўпчилигини ташкил этади. Бироқ шу таълим муассасаларида тегишли йўналишдаги талабаларни ўқитадиган ўқитувчи-педагоглар ва ўқув адабиётлари етарли эмас.

Аксарият академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув-лаборатория ва ёрдамчи биноларнинг жорий ва капитал таъмирланиши ҳамда янгидан бошланган қурилишлари якунланмаган. Оқибатда бундай таълим муассасаларида ўқув жараёнига путур етмоқда. Масалан: ТМПИ, ТТЙТИИ, ТАЙИ, ТДШИ, ЎзДЖТУ, ТДИУ каби олий ўқув юртлари қошидаги академик лицейлар шулар жумласидандир. Моддий-техник жиҳозлари, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув-методик адабиётлари етишмаслиги туфайли деярли барча академик лицейлар замон талаблари даражасида фаолият кўрсата олмаяптилар.

Ушбу тадбирда айрим ўқитувчи-педагоглар ўз мутахассисликлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришдилар. Баъзи таълим муассасаларида ўзлари дарс берадиган ўқув предметлари, маънавият-маърифат масалалари ва таълим-тарбия муаммолари бўйича яхши билим, кўникма ва малакаларга эга, фидойи, жонкуяр, юксак саводхонлик даражасини эгаллаган ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази таркибидаги педагог, профессор-ўқитувчи ва раҳбар кадрларни аттестация қилиш бўлими

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли "Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан Бахмал туманида Мониторинг маркази ташкил этилди.

Тумандаги барча таълим муассасаларининг таълим тизимига оид барча кўрсаткичлари, фанлар бўйича дарс ишланмалари, диаграммалар, туман битирувчиларининг ривожланган хорижий мамлакатлар олийгоҳларида таҳсил олаётганлиги акс эттирилган стендлар билан жиҳозланган марказни барпо этишда туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти кўрсатмалари ва тавсияларига амал қилиниб, тегишли маслаҳатлар олинди.

Яқинда Мониторинг маркази очилишига бағишланган вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти раҳбарлари, барча туман халқ таълими бўлимлари ва услубиёт хоналари мудирлари, туманларда ташкил этилаётган Мониторинг марказлари раҳбарлари иштирокида ўтказилди. Семинар-кенгаш ялпи йиғилишида туман ҳокими, таълим тизимини мувофиқлаштирувчи туман Кенгаши раиси М. Анорбоев сўзга чиқиб, таълим тизимига кириб келаётган янгиликлар, уларнинг баркамол авлод таълими ва тарбиясидаги аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ректори Р. Каримов Мониторинг марказларининг аҳамияти, Тошкент шаҳри, Андижон вилояти туманларида ташкил этилган марказлар фаолияти ҳақида ахборот берди.

Семинар иштирокчиларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини баён этишларига семинар жараёнида кенг ўрин берилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Г. Субхонова барча туманларда Мониторинг марказлари ташкил этишни қисқа фурсатларда ниҳоясига етказиш, бошланган ишни изчил давом эттириш зарурлиги ҳақида гапирди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари тумандаги Ш. Рашидов, У. Юсупов, К. Ибрагимов номидаги ўрта мактабларда бўлишиб, бу ерда ташкил этилган мониторинг хоналари билан яқиндан танишдилар.

С. МИРЗАБЕКОВ,
Бахмал туман халқ таълими бўлими мудири

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ: ДЕМОКРАТИЯ ВА ПСИХОЛОГИЯ

(Боши 1-бетда)

Кўпроқ ўтказилса, албатта, ўртачаси чиқарилади ва чорак охирига туширилади. ОН синови 20 саволдан иборат бўлади. ЯН эса чорак охирида олинади. Унда ҳам 20 та савол бўлгани маъқул. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл асосида баҳоланади. Шунда натижалар қуйидагича бўлади. 7+10+40+40=97 балл. Бунда ўқувчи чоракни 97 балл билан якунлаган ҳисобланади. Бу балл рейтинг ойнасига чиқарилиб, бутун жамоатчиликка, бошқа синф ўқувчиларига, ота-оналарга маълум бўлади. Ўқувчи ҳамма фандан юқори балл олиши шарт эмас. Бунда ёлғон кетмайди. ОН ва ЯНларда ўқувчилар китобдан ёки бир-биридан кўчиролмасликлари лозим. Ҳамма фанлардан назорат бир жойга йиғилиб қолмаслиги учун назоратлар тартибини ишлаб, ўқитувчилар хонасида қўйилиши керак. Ҳар бир ўқитувчи кўрсатилган вақтда назоратни ўтказиши лозим. Мени қизиқтирадиган нарса — пировард натижа. Албатта, бу вариантда ўқитувчи ҳам сабр билан тер тўкиб ишлаши шарт. Баъзи ўқувчилар жорий назоратга зўр беришади. Хўп, бугун боладан сўрадингиз, эртага ундан ё сўрадингиз ёки йўқ. Шунинг учун демократик тарзда ОН ва ЯНларга эътибор кучайса, бола психологиясида ҳам ҳақиқий илм сари интилиш ҳисси пайдо бўлади. Хуллас, бунинг ортида инсон маънавияти шаклланади. Ўқитувчи билан ўқувчи орасида масофа йўқолади, соғлом муҳит вужудга келади.

Саволларни ортиқ кўпайтириб юбориш ёки кўплаб майда талаблар қўяверишни ҳам ўқувчининг интилишини сусайтириши мумкин. Ҳатто дарсни уддалай олмаётган ўқувчини ҳам изза қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Фақат унга меҳрли маслаҳатлар бериб, ёрдам қилинади. "Бизга тарбия кўрган ёшлар керак", деб Президентимиз доимо гапирадилар. Бу рейтинг тизими остидаги таълимда ҳам буюк маънавий тарбия бор. Мустақил фикрлаган одам бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай ишни уддалай олади, ўз ҳуқуқини ҳам талаб қила билади. Бу билан эса, жамиятда соғлом демократия ва соғлом турмуш тарзига асос солинади.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Тўрткўл туманидаги 64-лицейнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

БАРКАМОЛ, БИЛИМДОН, ЗУККО АВЛОДЛАР

Яқинда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабда туманлараро "Китобхонлик" кўрик-танлови ўтказилди. Унда 11 та жамоа ўзаро беллашишди.

Танлов аввалида иштирокчилар бир неча нусхадаги китобларни изоҳлаб беришди. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов асарлари, шунингдек, мустақил Ватанни мадҳ этувчи ҳамда маънавият ва маърифатни тарғиб этувчи китоблар бўйича билимларини намоён этдилар.

Танловнинг навбатдаги қисмларида ҳам Низомда кўрсатилган барча топшириқларга атрофлича жавоб қайтарилди...

Танловда ўқувчиларнинг тест билан ишлаш, санъат соҳасидаги қизиқишлари ҳам синовдан ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Мирзо Улуғбек, Яккасарой туманлари жамоаларига 1-XXI асрнинг энг маънавий баркамол авлодлари, Ҳамза, Чилонзор туманлари жамоаларига 2-XXI асрнинг энг билимдон авлодлари, Сирғали, Собир Раҳимов туманлари жамоаларига 3-XXI асрнинг энг зукко авлодлари совринли номлари берилди. Хуллас, "Китобхонлик" кўрик-танлови катта байрамга айланиб кетди.

Қ. МАТКУРБОНОВ

***Суратларда:** "Китобхонлик" кўрик-танловидан лавҳалар.*

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

"ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ!"

(Боши 1-бетда)

Муаллима Манзура Сайфиеванинг очиқ дарси, "Ёш тарихчилар" тўгарагининг фаолияти, Акмал Икромов музейидаги 31-, 5-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида Президент асарларини ўқиб-ўрганиш бўйича беллашувлар ташаббуснинг қадрини яна ҳам ошириб юборди. Вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ҳам бу ҳақда эшитишгач, қўллаб-қувватлашди. Низом ишлаб чиқилди. Бунга кўра, вилоятдаги барча умумий ўрта таълим мактаблари Президентимизнинг шу вақтга қадар эълон қилинган 80 дан зиёд асарлари, нутқлари ва жавобларини ўрганиш ташаббуси билан чиққан мактабнинг изидан бориши керак. Буни вақт ҳукмига қўйиш ярамайди. Аксинча, давлат раҳбарининг ҳар бир соҳага тегишли фикр-мулоҳозаларини ҳар бир фан негизига қай тарзда сингдириш бўйича махсус дастурлар тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир.

Биз билан суҳбатда мактаб директори Сайёра Меликова шундай деди:

— Бугунги мактаб ўқувчилари ҳақида айримлар менга ёқмайдиган гапни айтишади. Кузатишимча, улар жуда зийрак, серфикр. Кечаги кун, бугун ҳақида фикр айта олишади. Эртадан эса умидлари катта. Мактабнинг 10-"А" синф ўқувчиси Мафтуна Ахтамова қуйидаги фикрларини билдирди:

— Менга Президентимизнинг "Ўзбекистон, XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари жуда маъқул келган. Ундаги экологик муаммолари, иқтисодий, ижтимоий мавзуларнинг ранг-баранглиги ҳамда энг муҳими бу борадаги мавжуд масалалар ечими хусусидаги фикр ва мулоҳазалар ҳаммамизга сабоқ бўлади. Бу асарни ўқигач, Ўзбекистон ҳақидаги тушунчаларим бойиди, теранлашди.

...Фикр айтмоқ учун асос бўлмоғи керак. Асос эса билишдан сўнг пайдо бўлади. Мафтунанинг фикрларини қоғозга туширар эканман, кўнглимдан шундай ўй ўтди: "Агар ҳар бир бола шу қизчалик мағизли гап айта олса, Президентимиз башорат қилаётган БАРКАМОЛ АВЛОД албатта, шаклланади".

Хулкар ТЎЙМАНОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

2000 yil — Sog'lom avlod yili

ЧЎМИЛИШГА "ЧИМБОЙ"ГА БОРАМИЗ

Эзгу орзу-ниятларимизнинг узвий давоми сифатида бу йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши, айниқса, болаларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Жойларда соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишларнинг аксарияти спорт машғулотларига қаратиляпти. Спорт ареналарида ўтказиладиган машғулотлар ҳамда гуруҳлар сонининг кундан кунга ортиб бориши бунга яққол мисол бўла олади.

Собир Раҳимов туман ҳокимияти томонидан ҳам мазкур йил муносабати билан бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, тумандаги барча мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига "Чимбой" сув ҳавзасидан хафтада бир маротаба бепул фойдаланишга имконият яратиб берилди. Йилнинг дастлабки кунларидаёқ бу хайрли иш амалга оширила бошланди.

Сув ҳавзасининг директори Эмма Мазаева билан бўлган суҳбатда қуйидагилар маълум бўлди:

— Январ ойидан болаларни қабул қила бошладик. Сузишга қизиқувчилар сони биз кутгандан зиёд бўлиб чиқди. Ўзимизнинг махсус ҳамда соғломлаштириш гуруҳларимизнинг машғулотларини эрталабки соат 10⁰⁰- 13⁰⁰ қадар ўтказсак, қолган 8⁰⁰-10⁰⁰ гача ва 17⁰⁰-18⁰⁰ гача бўлган вақтларни мактаб ўқувчилари учун ажратдик. Сешанба куни 18⁰⁰-19⁰⁰ гача бўлган вақт ўқитувчилар ихтиёрида бўлади.

Болаларнинг айримлари белгиланган кундан ташқари соғломлаштириш гуруҳига ҳам қатнай бошлади. Тумандаги 134-, 238-, 11-, 111-, 224-мактаб ўқувчилари фаол қатнашчиларимиздан ҳисобланади. Келувчилардан хизматимизни аямаяпмиз.

Ҳақиқатдан ҳам мактаб ўқувчилари қатъий тартибда синф раҳбарлари ёки мактаб маъмурияти томонидан бириктирилган масъул шахс билан биргаликда белгиланган кунда сув ҳавзасига келишади.

Фотима ХОЛМИРЗАЕВА,
Республика Таълим маркази бош методисти

Bolangizga darslik oldingizmi?

ЯНГИ НАШРЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

2000-2001 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 1-11-синфларида (таълим 7 тилда) фойдаланиш учун шу йилнинг февраль-март ойларида ҳам қатор дарсликлар нашрдан чиқди. Эндиликда ушбу дарсликларнинг жойларда сотувини уюштиришда мактаб жамоалари ва ота-оналар ўртасида кенг тарғибот ишларини ташкил этиш – бош мақсадимиздир. Зеро, дарсликларсиз тушунчаларни англаб, тушуниб бўлмайди.

Чунончи, янги дарсликларнинг нашр этилиши ўқувчиларимизнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги ҳаракат қўллаб-қувватланиши жоиз. Бу борада якдиллик ва баҳамжиҳатлик асосида иш олиб борилса, ярим ниятимиз бутун бўлиб, таълим тараққиётига муҳим ҳисса қўшган бўламиз.

Қуйида 2000-2001-ўқув йили нашр режасига киритилган ва 2000 йилда чоп этилган дарсликлар ҳақидаги маълумотларни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

2000-2001 ўқув йили нашр режасига киритилган ва 2000 йилда чоп этилган дарсликлар ҳақида МАЪЛУМОТ

Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун

10 март 2000 й. ҳолати

т.р	Дарслик номи	Муаллифи	синфи
1.	Алифбе	О. Шарафутдинов ва б.	1
2.	Математика	Н. Бикбаева ва б.	1
3.	Рус тили	Р. Толипова ва б.	2
4.	Ўзбекистон тарихи	А. Муҳаммаджонов	7
5.	Анорганик кимё	С. Тешабоев	9
6.	Ўзбек адабиёти	Б. Тўхлиев	9
7.	Жаҳон тарихи	Г. Ҳидоятов	10
8.	Алифбе	Т. Ғаффорова	1
9.	Адабиёт	Қ. Йўлдошев ва б.	7
10.	Одобнома	Т. Қурбонов	4

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун

1.	Окружающий нас мир	А. Григорьянц	1
2.	Ўзинг қирқ ва яса	Х. Эгамов	1
3.	Ўзинг чиз ва яса	Х. Эгамов	1
4.	Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	Р. Ҳасанов	1
5.	Русский язык (синов)	Т. Келдиев ва б.	10-11

Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун

1.	Ёзув дафтари	А.Исабоев ва б.	1
2.	Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	Р. Ҳасанов	1
3.	Ўзинг қирқ ва яса	Х. Эгамов	1
4.	Она тили	М. Умаров ва б.	1
5.	Ўзинг бўя ва бажар	Х. Эгамов	1

Таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун

1.	Ёзув дафтари	М. Тожиев ва б.	1
2.	Тасвирий санъат	Р. Ҳасанов ва б.	1
3.	Алифбе	М. Лутфуллаев ва б.	1

Таълим қирғиз тилида олиб бориладиган мактаблар учун

1.	Ёзув дафтари	М. Исмоилова ва б.	1
2.	Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	Р. Ҳасанов	1
3.	Ўзинг қирқ ва яса	Х. Эгамов	1
4.	Алифбе	Б. Рисбекова ва б.	1
5.	Ўзинг бўя ва бажар	Х. Эгамов	1

Таълим туркман тилида олиб бориладиган мактаблар учун

1.	Она тили	Қ. Абдуллаева	1
2.	Ўзинг қирқ ва яса	Х. Эгамов	1
3.	Алифбе	Қ. Абдуллаева ва б.	1
4.	Ўзинг бўя ва бажар	Х. Эгамов	1
5.	Атрофимиздаги олам	А. Григорьянц	1
6.	Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат	Р. Ҳасанов	1

Жами 34 номда

ХТВ Дарсликлар ва мактаб ҳужжатлари бўлими.

ОРЗУЛАРИМ СЕНИКИ, ВАТАН

Sayohat saboqlari

Мен Тошкент Давлат университети қошидаги гимназияда ўқир эдим. Президентимизнинг шу университетга Миллий университет мақомини бериш ҳақидаги фармонини ўқиб, ҳаяжонланиб кетдим. Унинг асл тарихининг тикланиши менга ғурур бахш этди. Мен тарихчи бўлишни орзу қиламан. Эҳтимол, бунга оила муҳити ҳам сабабдир. Дадам – илмий ходим, ойим – нашриёт ходими. Уйимизда китоблар кўп. Аксарияти тарих, адабиёт ҳақида. Уйимиздаги суҳбат ҳам кўпинча китоблар, олимлар, шоир-ёзувчилар ҳақида бўлади. Меҳмонлар ҳам шу доирадаги кишилар. Ўзим ҳам улар орасида катта бўлдим.

Яқинда Қаршига бориб келдик. Йўлда Самарқандни мириқиб томоша қилдик. Бу шаҳарни биринчи марта кўрганимда 6—7 ёшларда эдим. Соҳибқирон бобомизнинг муносиб набиралари Мирзо Улуғбек ўзи бош бўлиб қурдирган обсерваторияни ҳам зиёрат қилдик. Бу иншоот, машҳур саркарда ва буюк адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг айтишича, уч қаватли бўлган. Бўйи бугунги ўлчов билан айтилса, 31 метр. Ичидаги мармар ариқни секстант дер эканлар. Унинг бир учи ернинг тагига кириб кетган, иккинчи учи ердан 30 метрча юқори кўтарилиб борган. Ҳозир шунинг учдан бири ҳам сақланмаган. Сақланган қисмидаги ўйиб туширилган турли ёзувлар, кесмалар осмондаги юлдузларнинг, ой-қуёшнинг ҳаракатини, жойлашишини аниқлаш учун хизмат қилган. У Улуғбек замонасида чинакам академия бўлган. Олим подшоҳнинг энг яқин шогирдларидан Али Қушчининг Самарқандда кечган умрининг асосий қисми шу ерда ўтган. Шу даргоҳда 1016 юлдузнинг ўрни ва ҳаракати аниқлаб берилган экан.

Қуёш ва ой ҳаракатининг аниқланиши-чи? Қуёшнинг бир йиллик ҳаракатини ҳисоб—китоб қилганларида шу қадар аниқликка эришганларки, улар тузган бир йиллик календар 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд бўлиб, ҳозиргидан бор-йўғи бир минут фарқланар экан.

Уша даврни кўз олдингизга келтиринг. Ота-боболаримизнинг ғайрат-шижоатига, ақлу шуурига қойил қолмай иложингиз йўқ. Афсуски, салтанат қурашлари, мутаассиблик буларнинг ҳаммасини ер билан яксон қилди. Юз йил ўтмай, бу обидалар тупроққа қўмилди. Ҳатто шундай мўъжизавий секстант булакларга бўлиниб, ён-атрофдаги ватандошларимизнинг уйларига пойдевор қилинган. Шундай обида изсиз йўқолган. XX асрнинг бошларида ўлкамизда миллий уйғониш бошлангач, эски китобларни ўқиб, уша давр журналларида "Улуғбек расадхонаси қаерда?" деган мақолалар ёзилган. Бизнинг муллоларимиз эмас, Вяткин деган фидойи ўқитувчи, ҳаваскор-археолог васиқа-ҳужжатлар орасидан фалон томони "пойини расад" /"расадхона пойдевори"/га туташ деган ёзув бўйича топганини, шундан кейингина кавланиб, очилганини сўзлайдилар...

Шундай қилиб, Чўпонотадаги Улуғбек расадхонаси Тошкентдан Самарқандга кириб боришдаги биринчи манзилимиз бўлган эди. Сўнг Афросиёбдан ўтдик. Афросиёб қадим саркардамиз Алп Эр Тўнганинг оти экан...

Мана Шоҳизинда, Бибихоним, Регистон, Гўри Амир. Рупарада машҳури жаҳон Амир Темур виқор билан ўтирибди. Унгда унинг Кўксаройи бўлган. Сўлда ўзи абадий уйқуда.

Ҳа, бу ерларнинг ҳар бир қадами тарих. Бу ерларда кимлар бўлмаган?! Бу ерларда кимлар юрмаган?!

Буларнинг ҳаммаси тарих. Уни билиш учун ўқимоқ, ўрганмоқ, изланмоқ керак. Кўҳна виқорлар мени шундай жунбушга келтиради.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Мана шундай тилсимларни ўрганиш иштиёқини кўнглимга тукканман. Тарихчи бўлмоқчиман.

Президентимизнинг ўз тарихини англаган халқнинг келажаги буюкдир, деган гаплари мудом қулоғимда. Шундан хулоса қилдимки, ўз Ватани, халқнинг тарихини ўрганиш шарафли касб экан.

Шоҳруҳ ҚОСИМОВ,
гимназия ўқувчиси

АМАЛИЁТДА ҚАНДАЙ БЎЛАЯПТИ?

Республикамиздаги мактабгача таълим муассасаларида "Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" дастурини ҳаётга татбиқ қилиш борасида босқичма-босқич тажриба-синов ишлари амалга оширилаётир. Шу муносабат билан мухбиримиз пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 588-болалар боғчаси услубчиси Дилбар Қорабоевадан дастур асосида олиб борилаётган тажрибалар ва уларнинг натижалари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

—Боғчамизда "Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" таянч дастурини амалга ошириш бўйича тажриба-синовга 2 та урта, 2 та катта, 2 та тайёрлов гуруҳлари жалб этилган. Тарбиячилар кичкинтойлар билан мантиқий ривожлантирувчи ТРИЗ ҳамда Монтессори услуби асосида мужассам машғулотлар олиб бормоқдалар.

Дастур асосида тарбиячилар билан ишлаб чиқиш жараёнида ҳосил бўлган мулоҳазаларим ҳақида фикр билдирмоқчиман. Уни яратишда боғча мудиралари ва услубчиларигина эмас, балки амалиётчи-тарбиячилар иштироки ҳам таъминланганда, менимча дастур самараси бир мунча юқорироқ бўларди. Дастурда табиат ҳақида мавзулар етарли бўлмаганлиги боис, ўз тузатишларимизни киритдик. Илк ёшли гуруҳларданоқ тарбияланувчиларни ҳайвонот дунёси билан ўйин орқали таништирилса, катта ва тайёрлов гуруҳларида катта ҳайвонлар билан таништирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Tajriba-sinov maydonchalarida

Кичик ҳайвонот боғимизда тошбақа, бургут, қуён, типратикан, қушлардан канарейка, тўтиқуш, аквариумларда турли балиқлар бор. Дастурда олган билимларини мустаҳкамлаш учун йил охирида табиат музейига экскурсия уюштириш бор, лекин ҳайвонот боғига ҳам деб тўлдирилса янада тўлиқроқ бўларди.

Дастурда судралиб юрувчи ҳайвонлар - калтакесак ва илон билан таништириш дейилган, холос. Сурати билан таништириш дейилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Йил охирида эса улар билан ҳайвонот боғига экскурсия уюштирилганда таништирилади.

Урта гуруҳлар учун табиат ҳақидаги мавзу камлиги сабабли фаслга мослаб қарға ҳамда арча дарахти билан танишишни қўшимча тарзда киритдик. Шунингдек, теварак-атроф билан таништиришда буюмлар ҳақидаги мавзуда бир турдаги буюмларга қўшимча қийиқча, дуппи, тун турларини киритдик. Дастурдаги бадиий адабиёт билан таништиришда биз танлаган шеър, эртак, ҳикоялар мавзуга бир оз мос келмаяпти. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари учун шоир, ёзувчиларнинг шеър, эртак, ҳикояларидан иборат хрестоматия чоп этилса, айни муддао бўлур эди.

2000 йил - Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши биз - тарбиячиларга янада кўпроқ масъулият юклади. Чунки кичкинтойлар масканидаги таълим-тарбия соғлом авлод учун йўналтирилганлиги боис, маънавиятли, жисмонан бақувват, ватанпарвар, инсонпарвар ворисларни вояга етказиш мақсадида тинмай ҳаракат қилиш, изланишни тақозо қилади.

Думбоқчаларнинг жисмонан чиниқишлари учун ёзги ва қишки сузиш ҳавзаси, ёнида пархона мавжуд. Жисмоний тарбия хонасида гимнастика нарвончалари, тортилиш арқони, гимнастик скамейкалари, обруч, копток бор. Шунингдек, дилбандлар билан скалеоз, физиологик ўсишдан орқада, қомат бузилиш ҳолларининг олдини олувчи муолажалар олиб борилмоқда.

Болалар шифокорлари кичкинтойлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида тинмай изланмоқдалар. Фитобарда доривор гиёҳлардан шифобахш дамламалар тайёрлаб, нуридийдаларга тортиқ қилинмоқда.

Боғчамиз 276-мактаб жамоаси билан ҳамкорлик ўрнатган. Тайёрлов гуруҳи тарбиячилари ўқув йили бошида мактабга ташриф буюриб, она тили, математика, ўқиш дарсларини кузатадилар. Собиқ тарбияланувчиларнинг мактабдаги фаолияти дарсларга иштироки билан яқиндан танишадилар.

Болалар боғчасининг навбатдаги режаси масканда тиш даволаш ҳамда умуртқа погонасида нуқсони бўлган болалар учун уқалаш (массаж) хоналарини очиш, витаминларга бой қўкатларни қишин-ёзин етиштириш мақсадида иссиқхона, болаларни парҳез таҳумлар билан таъминлаш учун товуқхона ташкил қилиб, жажжи ўғил-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлашдир. Шунингдек, янги педагогик технология - Монтессори услуби асосидаги қўлланмалар билан таъминлаб, фарзандларимизнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Суҳбатдош: Дилбар ХЎЖАЕВА

АНЖУМАНДА ОЧИҚ ДАРСЛАР

Tadbir

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 242- мактабда "Ўзбек тили таълими ва янги педагогик технология" мавзусида семинар-кенгаш ҳамда ўзбек тили таълими бўйича илмий-методик кенгашнинг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзР ХТВ, Республика Таълим маркази қошидаги ўзбек тили таълими бўйича илмий-методик кенгаш аъзолари, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, методист ва тилшунос олимлар иштирок этдилар. Энг қувончлиси, бу тадбирда ижодкор ўқитувчилар — Тошкент шаҳар А.Икромов тумани 44-, 62-, Сирғали тумани 301-, Чилонзор тумани 103-, Яккасарой тумани 100-, 172-мактабларининг илғор ўқитувчиларидан Б.Саидқориева, Н.Маҳмудова, З.Ҳасанов, О.Муҳиддинова, Т.Тошпўлатов, М.Ўринбоева, Г.Нуриддинова, Т.Сагатова, А.Ҳамидовалар ўқувчилар билан турли мавзуларда очиқ дарслар ўтказдилар. Айниқса, "Расмий иш қоғозлари билан ишлаш" (9-синф), "Ўзбек тили оламига саёҳат" (2-синф), "Наврўз саховати" (6-синф), А.Ориповнинг "Она шеъри" (10-синф), "Эртаклар — яхшиликка етаклар" мавзусидаги кўргазмали дарслар жуда мазмунли ўтди.

Шунингдек, "Алифбе байрами", "Наврўз айёми репортажи" каби синфдан ташқари тадбирлардан сўнг "Ўзбек тили таълими бўйича Давлат таълим стандартининг амалиётга татбиқи" юзасидан педагогика фанлари номзоди Р.Йўлдошев, профессор М.Усмоноваларнинг маърузалари тингланди. Кузатилган дарслар таҳлил қилинди, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Дилдора НУРИДДИНОВА

O'qituvchiga yordam

ЎҚУВЧИЛАРДА НАФОСАТ ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ёшларнинг маънавий соғлом, эстетик жиҳатдан етук, гўзалликка нисбатан қизиқиши кучли бўлиб шаклланишида тасвирий санъатнинг имкониятлари жуда кенгдир. Бу борада ҳар бир машғулотни илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Тасвирий санъатдан ўқувчиларга пухта билим бериш эса ўқувчининг жиддий тайёргарлигини талаб этади.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчилари тасвирий санъатдан мавзу асосида расм ишлаш кўникмасига эгадир. Бироқ, уларнинг ижодий тасаввури, тафаккури, хотираси, фантазияси, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини янада ривожлантириш зарур. Чунки, мавзу асосида хаёл ва тасаввурд орқали расм ишлаш анча мураккабдир. Шунга кўра, мавзуга доир материалларни мукаммал ўрганиш, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни кузатиш, уларнинг тузилиши, ранги, шакли ва ўлчов нисбатларини, фазовий ҳолатини билиш ҳамда уни тўғри ифода этиш керак бўлади.

Бошланғич синф ўқувчилари тасвирий санъат дастури мазмуни асосида ҳар бир фаслга мос мавзулар бўйича расмлар ишлайдилар. Хусусан, улар учун "Баҳор" фасли кўринишини тасвирлаш жуда қизиқарлидир. Маълумки, фасллар келинчаги баҳор гўзал ва ёқимли. Унинг ўзига хос ажойиб сеҳри бор. Баҳор келганда барча тирик жон уйғонади, дарахтлар пушти, оқ, сариқ рангли гулларга бурканади, яшил либос кияди. Ариқларда шилдираб оқаётган баҳор "шарбати" қалбларга ҳузур бахш этади. Азиз она тупроқдаги беғубор, барра майсалар, тепаликлар, тоғлар, қирлар, ҳамма-ҳаммаси чирой билан кўнгилларни очади.

Ярқираб, гуркираб баҳор келганида она диёримиз гулга тўлиб, ниҳоятда гўзал бўлиб кетади. Айниқса, баҳор шамолининг юзларимизни елпишидан унинг қанчалик оромбахш, қанчалар жонбахшлигини ҳис этамиз. Ҳа, ҳақиқатан ҳам баҳор фасли жуда чиройли, ёркин фаслдир. Ўқувчилар мазкур фаслга доир турли хил мавзуларда расм ишлашлари мумкин. Масалан: "Баҳор келди", "Ўлкамизда баҳор", "Дарахтлар гуллади", "Лолақизғалдоқ", "Ўрик гули", "Баҳор гуллари", "Баҳорги ишлар" ва ҳоказо. Ушбу йўналишда эса "Баҳор келди" мавзусида расм ишлаш бўйича машғулот намунасини келтирамиз:

Болаларнинг баҳор фаслига доир тушунча ва билимларини бойитиш, мазкур фаслнинг дастлабки белгилари ҳамда ўзгаришларига кўра унинг турли кўринишларини тасвирлашга ўргатиш орқали болаларда табиатни онгли идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, санъат асарларида акс эттирилган баҳор гўзалликларини ҳис этиши орқали эстетик тарбиялаш машғулотнинг мақсадидир.

Акварель, гуаш бўёғи, рангли қоғоз тўплами, клей, қайчи, латта, сув идиши ва ҳоказо. Гулдон ва гуллар. Баҳор фаслига доир расмлар, иллюстрациялар ва репродукциялар, апплекация ишлари, тўрт фаслга доир кўргазмали расмлар. Баҳор ҳақидаги қўшиқ, шеърлар, ҳикоялар бу машғулот учун керак бўладиган материаллардир.

Болалар билан ҳовли, боғ, дала, хиёбонларга сайр этиш давомида улар диққатини баҳор фаслида табиатнинг жонланишини, ўтларнинг униб чиқиши, дарахтларнинг куртаклаши, барг чиқариши каби фаслнинг ўзига хос ўзгаришларини кузатиш. Сайр давомида болаларни баҳорнинг муҳим белгилари билан таништириш дастлабки тайёргарлик ишлари бўлади.

Ўқитувчи мавзунинг ёритилишини баҳор ҳақида суҳбат ўтказиш билан бошлаши мумкин. У қуйидаги мазмунда олиб борилади. Қиш фаслида ухлаб ётган табиат баҳор фаслида уйғонади. Осмонни қоплаган булутлар аста-секин тарқалиб, осмон ранги ўзгариб тиниқлашади. Қуёш нурни сочади. Қорлар эриб, ўтлар кўм-кўк бўлиб кўрина бошлайди. Дарахт куртаклари бўртиб чиқади. Чучмома, бинафша, бойчечак, лола каби кўплаб гуллар очилади.

Теварак-атроф хазондан тозаланиши, сўнгра, тупроқлари юмшатилиб, текисланиши, суғориш учун эгатлар олиниши, экинзорларга эса турли уруғлар сепилиши каби бир қанча ишлар болаларга тушунтирилади.

Ўқувчиларнинг сайр давомида олган билимларини мустаҳкамлаш, катталар меҳнати билан таништириш мақсадида "Баҳорги ишлар"га доир расмлардан кенг фойдаланиш лозим. Шунингдек, мусаввирлардан: Ўрол Тансиқбоевнинг "Ўзбекистонда март", Э.Иноғомовнинг "Яйловда тўй", Б.Тоҳировнинг "Баҳор", Н.Кўзибоевнинг "Оқтошда баҳор", Р.Темировнинг "Бибихоним ҳовлисида баҳор", Х.Раҳимовнинг "Май тонги" каби асарлари болаларнинг баҳор фасли ҳақидаги тушунчаларини янада бойитади, уларнинг нутқ ва фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Ўқитувчи болаларга "Баҳор келди" мавзусини тушунтиришда савол-жавоб усулидан кенг фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи болаларнинг баҳор фаслини идрок этиш қобилиятини янада ўстириш учун ва мавзуни кенгроқ ёритиш мақсадида шеърлар ва ҳикоялардан фойдаланиши ҳам керак. Масалан: шоира Зулфиянинг "Лолақизғалдоқ", Олим Маҳкамовнинг "Ўрик гули", Дарвин Омонуллаевнинг "Баҳор гуллари" шеърлари, шунингдек, Тўлқин Расуловнинг "Лоланинг гули" ҳикояси каби қўшимча материаллар шулар жумласидандир.

Болалар "Баҳор" фаслига доир етарли тасаввур ва тушунчага эга бўлгач, мазкур фаслга доир турли мавзуларда расмлар ишлай оладилар. Шу ўринда гуллар ва новдалар солинган гулдонларни кўринарли жойга қўйиб, унинг тасвирини ўзига қараб чизиш мумкин. Бунда аввало тасвирни қоғоз юзасидан тўғри жойлаштириш тартиби айтиб ўтилади. Сўнгра, барглар шакли ва уларнинг қандай ҳолатда турганлиги, шохлар қайси томонга энгашгани кўрсатилади. Болалар диққатини гулларнинг чиройлилигига қаратиш, керакли тусдаги ранглардан тўғри фойдаланишни айтиш, оқ бўёқ ёрдамида пуштироқ, оч сариқ, оч яшил, оч қизил, оч жигар рангларни ҳосил қилиш юзасидан маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш лозим. Бунинг натижасида болалар нарсаларни онгли идрок этган ҳолда қизиқарли ва тушунарли расмлар ишлайдилар. Машғулот охирида расмлар кўргазмасини ташкил этиш, чиройли ишланган расмлардан болаларнинг ўз меҳнатини кўриб ундан завқланиш ҳиссини уйғотиш лозим.

"Баҳор келди" мавзусини дидактик ўйинлар орқали ҳам бойитиш мумкин.

Мавзу: Айтинг-чи бу қачон бўлади?

Дидактик вазифа. Болаларнинг йил фасли ҳақидаги билимларини аниқлаштириш ва чуқурлаштириш.

Ўйин қоидаси. Ўқитувчининг хабари (огоҳи) бўйича йил фасли белгиларини тезгина айтиб бериш.

Ўйин ҳаракати. Берилган изоҳли саволга жавоб бериш.

Ўйиннинг бориши. Ўқитувчи болалардан сўрайди: — Тоза, тиниқ, салқин, атроф кўм-кўк либосда, бу қайси фасл?

Болалар: Баҳор.

Ўқитувчи: Қуёш кулиб, иссиқ нурини сочади, дарахтлар эса жуда чиройли гуллайди, айтинг-чи, бу қачон бўлади?

Болалар: Баҳор фаслида.

Ўқитувчи: Далаларда ишлар қизғин бошланади, турли экинлар, гуллар экилади, айтинг-чи бу қачон бўлади?

Болалар: Баҳорда.

Бу дидактик ўйин худди шу йўналишга ўхшаш бир неча саволлар орқали давом этиши мумкин. Агарда болалар саволларга жавоб беришдан қийналсалар, уларга ўқитувчи ёрдам беради. Шунингдек, "Баҳорда ерга нима экилади?", "Ким, нима билан шуғулланяпти?" каби бир неча дидактик ўйинларни ҳам қўллаш мумкин.

Тасвирий санъат машғулотларида мавзуга доир мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, болаларнинг ҳаётдаги гўзалликларни фаҳмлаб олиши, улар асосида бадиий ижод қилиш орқали кўпроқ нарсаларни билиб олишларига шароит яратилади. Бундай фаолиятнинг ташкил этилиши эса болалар бадиий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир этади.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди

МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСА...

Наманган вилояти ҳокимлигида "Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови" мавзусида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таълим тизими раҳбарлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмита ва инспекцияси етакчилари, "ЭКОСАН" халқаро хайрия жамғармаси вилоят, шаҳар, туман бўлимларининг ижрочи директорлари, соҳага дахлдор бошқа ташкилот вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Соғлом авлод йилида вилоятда белгиланган тадбирларнинг изчил бажарилишини таъминлаш, табиатни асраб-авайлаш, табиатнинг янги кўкаламзор ғўшаларини очиш каби фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

КЎКЛАМ ОЙИ — КЎРКАМ ОЙ

Теварак-атрофни тозалаш, кўча ва гузарларни ободонлаштириш масалалари Вазирлар Маҳкамасидаги "Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлигини эълон қилиш"га бағишланган мажлисда таъкидланган эди. Бу ишда маҳалла фуқаролари, оқсоқоллар ҳамда фаоллар ғайрат-шижоат кўрсатишига алоҳида урғу берилди.

— Мамлакатни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчига айланиши лозим, — деди "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. — Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун жамғармамиз "Намунали маҳалла" доирасида кўрик-танлов эълон қилди. Маҳаллаларда "Экология ва саломатлик кунлари"ни ўтказиш, умумшаҳар экологик шанбалигини уюштириш, атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўчатлар ўтказиш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллаларда ўзбошимчалик билан бунёд этилган қурилишларни тартибга солиш сингари вазифалар танлов шартларига киритилган.

А.Гадойбоевнинг сўзларига қараганда, "Намунали маҳалла" кўрик-танлови ғолибига 100 минг сўм миқдорида пул мукофоти ажратилган. Ундан кейинги учта намунали маҳаллани ҳам моддий рағбат кутмоқда.

"Туркистон-пресс"

Maxsus ta'lim

НОГИРОНЛАР МАНФААТИНИ ЎЙЛАБ...

Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ катта ўқитувчиси Шуҳрат Ҳидоятовнинг (Муаллифнинг иш жойи нотўғри кўрсатилган) 2000 йил 14 мартда "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Қачон ҳал бўлади?" сарлавҳали мақоласини ўқиб, кар ва заиф эшитувчи болалар махсус таълим-тарбиясига оид муаммолар билан мутахассис бўлмаган кишилар ҳам қизиқаётганлиги биз сурдопедагог-олимларни қувонтирди. Ш.Ҳидоятовнинг сурдопедагог (яъни кар, заиф эшитувчи болаларга махсус методикалар асосида таълим берувчи ўқитувчи) бўлмай, махсус методикаларни чуқур ўрганмай, кўтарилаётган масала ечимининг илмий методик, ташкилий жиҳатдан, қандай ҳолатдалигини аниқ тасаввур қилмай, ушбу мақолани ёзишга қўл ургани эса, бизни ташвишга солади.

Фикримизни батафсилроқ ёритайлик. Муаллиф дактил нутқи ... "Соқов болаларга таълим беришда дастлабки мулоқот воситаси", деб таъриф ёзади, ваҳоланки эшитишда нуқсонлари бўлган болалар икки турли, яъни, кар ва заиф эшитувчилардир.

Соқовликка келсак, бу иккиламчи нуқсон бўлиб, турли ногирон болаларга мансуб бўлиши мумкин. Заиф эшитувчи болалар мактабларидаги (Тошкентдаги 106-мактаб-интернатидаги "куюниб" ёзаётган муаллифга изоҳ) заиф эшитувчи болалар махсус таълимининг асосий мақсади эшитишида нуқсонлари бор, нормал эшитадиган одамларга, карлардан кўра, яқинроқ туришлари муносабати билан уларнинг чуқур бузилган нутқини махсус методикага кўра шакллантириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш, талаффузга ўргатиш билан бирга олиб борилади. Эшитиш ва нутқ бир-бири билан узвий боғланганлиги сабабли заиф эшитувчиларнинг махсус таълимининг ҳамма босқичларида шу 2 та омилни ривожлантириш ногирон болаларнинг тафаккурини кенгайтириб, умумий ўрта таълим олишларига имконият очиб беради. Бу жараёнда махсус методикага асосланиб қоғоз кесмаларига босма ҳарфлар билан ёзилган бўғинлардан, сўзлардан, жумлалардан, расмлардан кенг фойдаланилади. (Н. И. Жинкин 1958 й, Г. Фант 1964 й, В. А. Артёмов 1969 й, Л. И. Тигранов 1968, К. Г. Коровин 1961, 1981, 1982, Р. М. Боскис 1971, А. Г. Зикаев 1970, 1971, 1976 й, И. М. Гилаевич 1973, 1979, П. Линдсей, Д. Норман 1974, А, Р. Лурия 1979, Ф. Ж. Алимходжаева 1986, 1989, 1990, 1991, 1993 й).

Дактил белгилари боланинг нутқига киритилаётган сўзларнинг товуш-ҳарф таркибини англашда ёрдамчи восита сифатида биринчи синфнинг иккинчи бўлимида I чоракда ишлатилиши мумкин, лекин шарт эмас.

Заиф эшитувчи болалар махсус таълимида дактилеманинг қўлланиши бу болалар нутқини нормал тарзда ривожлантирмай соғлом одамлар жамиятида ўз ўрнини топиб кетишларига бирдан-бир тўсиқ бўлиб, уларнинг нутқини ўстиришда дактил белгилардан фойдаланиш қўпол методик ҳато ҳисобланиб, қуйидаги салбий натижаларга олиб келади:

—нутқ ривожланмайди;

—нутқ тезлиги нормал ҳолатга кўра, 40 фоиз сусталашиб, сўзлар бўлинган-бўлинган ҳолатда талаффуз қилинади;

— нутқ ифодаланганлиги (сўзлар яхлитлиги, оҳанг йўқлиги туфайли) бўлмайди;

— нутқда талаффуз нуқсонлари ошади;

— эшитиш қобилияти ривожланмай қолади, тафаккури ривожланмайди; (В.И. Бельтюков 1960, И.Г. Багрова 1981, Ф.Ж. Алимходжаева 1993 й).

Кар болалар махсус таълимининг асосий йўналиши коммуникатив бўлиб, карларни предмет-амалий фаолият жараёнида нутқий мулоқотини эшитиш қолдиқларини ривожлантиришга, эшитишдаги нуқсонларини, талаффузини шакллантиришга қаратилгандир. Дактил белгиларни ишлатиш бу асосий таълим жараёнининг ёрдамчи воситасидир. (С.А. Зиков 1978, А.П. Гозова 1975, Й.П. Кузьмичева 1983, Й.Н. Марциновская 1985й).

Заиф эшитувчи, кар боболалар махсус таълимларининг талабларини, иш услубларини, асосий ва ёрдамчи воситаларини аниқ фарқламаслик жиддий илмий-методик, ижтимоий, сиёсий хатодир. Мақолада "дактил нутқ, аслида бармоқ белгилари бўлиб, улар ҳар бир тил учун қабул қилинган ёзувни акс эттиради", дейилган. Бу фикр илмий- методик ҳақиқатга тўғри келмаслигини айтиб ўтишимиз лозимдир. Чунки, ҳарф ва товуш ўзаро фарқланади. Ҳарфлар товушлар учун қабул қилинган тахминий белгилардир: ҳарфлар кам, товушлар кўплигини ҳамма билади. Масалан: [И] товуши сўз бошида, сўз ўртасида, сўз охирида, урғули ва урғусиз бўғинларда турлича жаранглаб ёзувда сақланиб турса ҳам (кичик, пиширди, киши ва ҳоказо сўзларда) талаффузида биринчи бўғинда эшитилмайди. Ҳарф билан товуш номутаносибликда яшайди. Дактил белгилари товушларга нисбатан товуш ҳарф муносабатларидек бўлади. Сўзнинг ёзма шакли дактил белгилари (яъни бармоқлар билан) ҳарфма-ҳарф кўрсатила олса ҳам, сўзнинг нутқдаги норматив эшитилишига ва талаффузига тўғри келмаслиги тез-тез учраб туради. Турли тиллар ёзувининг шакли дактил белгиларга мувофиқ эмаслиги ҳам мавжуддир: хитой, грузин, арман тиллари ва бошқа тиллар шунга яққол мисол бўла олади.

Мақолада кўтарилаётган масаланинг ташкилий томонига келсак, "1996 йилдан бошлаб, А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш маркази институти махсус таълим кафедрасида "кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари учун янги ўзбек ёзуви ва дактилемаларини ўргатиш" бўйича бир ойлик курслар ўтказилди". Илмий — методик, ижтимоий жиҳатдан синалмаган, фақатгина кимларнингдир хоҳишига кўра ушбу курсларда тавсия этилган дактилемалар лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосига сунъий боғланиб «миллий» деб аталиб, республикамизнинг махсус мактабларида ўзбошимчалик билан жорий этилди. Бу "ташаббускорларга" Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддасини эслатиб, "Кар ногиронларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида уларга тегишли барча масалалар карлар жамиятининг хоҳиши ва рухсати билан амалга оширилади», деб айтиш лозим.

Муаллиф "ачиниб, куюниб" ногирон болаларнинг саводхонлиги пасайиб кетаяпти, "ёшлар билимсиз бўлиб қолишмоқда", — деб маълумот беряпти. Ногирон болалар мактабларига илмий-методик синовдан ўтказилмаган дактилемаларни олиб кирилишининг натижаси махсус таълим жараёнининг бузилишидир. Кар болаларнинг билимсизлигини бартараф этишнинг бирдан бир йўли — ёрдамчи восита дактилемани асосий омил деб ҳисобламай, балки, махсус методика жараёнида карларнинг нутқини ва нутқ ёрдамида таффаккурини ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги "Таълим тўғрисида"ги қонунни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га кўра, лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосига кар болалар мактабларида ёрдамчи восита сифатида қўлланиладиган дактилемаларни мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш мақсадида, 14. 02. 2000 йил 26-сонли буйруғи билан илмий методик жиҳатидан мувофиқлаштирилган синовлар, ишчи гуруҳи, синов майдончалари, экспертлар тайинланиб 15. 03. 2000 йилдан синовлар Тошкент шаҳридаги 101-карлар мактабида бошланди. Яқин орада бу иш Самарқанд, Андижон карлар мактаб-интернатларида давом эттирилади.

Синовдан ўтган дактилема белгилари жорий этилади.

Фарида ОЛИМХЎЖАЕВА,
Республика таълим марказининг бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди

МАКТАБЛАРГА АТАЛГАН СОВҒАЛАР

Куни кеча Тошкент вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси яна бир мурурватли ишга қўл урди. Қўмита Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги 35-ва 49-мактаб ўқувчилари учун 200 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда спорт анжомлари совға этди. "Соғлом авлод йили"да ўтказилган бу тадбир болаларни жуда қувонтирди. Совғаларни вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Ўринбосарова топшириб, мактаб педагоглари ва ўқувчиларини Наврўз байрами билан муборакбод этди.

Бу тадбирда туман ҳокими Ғофуржон Бўрибоев, мактаб директорлари, ота-оналар қўмиталари раислари, хотин-қизлар қўмита раислари, жамоа хўжалиги раиси иштирок этди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Мактаб ўқувчилари ҳам унинг дарсликка киритилган "Ўзбеклар" ҳикоясини мана беш йилдирки, баҳс-мунозара асосида ўрганмоқдалар.

Хаёл билан 100 сўмлик пулни ҳам 50 сўмлик деб ўйлаб, 4 тасини қўшиб узатибман...

ТАКАЛЛУФ УЧУН АЙТИЛМАГАН ТАБРИКЛАР

Талабалик вақтидаёқ Абдулла Қаҳҳордек талабчан, зукко устозга манзур "Тўлқинлар" ("Букри тол") қиссасини, "Ўн саккизга кирмаган ким бор?", "Қора камар", "Сўнгги бекат", "Қил кўприк", "Олабўжи", "Йўловчи" сингари асарларни ёзиб, китобхонларга тақдим этган ёзувчимиз Шукур Холмирзаев ўзининг 60 йиллигини ажойиб бир романи — "Динозавр" ила қаршилади. Мактаб ўқувчилари ҳам унинг дарсликка киритилган "Ўзбеклар" ҳикоясини мана беш йилдирки, баҳс-мунозара асосида ўрганмоқдалар.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида ёзувчининг мухлислари, дўстлари, халқ суйган адиблар, университет олимлари, узоқ Бойсундан келган меҳмонлар, талабалар йиғилдилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг таваллудига бағишланган даврани Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошқарди ва "тўй учун, такаллуф учун эмас", дилдан чиқариб унинг ўзбек насрининг энг катта устунларидан бири, ўзига хос мактаб яратган ёзувчи эканлигини таъкидлади.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев эса ёзувчининг миллатни, қалбни шакллантиришдаги алоҳида хизматларини юқори баҳолади. "Бўлут тўсган ой", "Олабўжи", "Қора камар" асарларининг қаҳрамонлари, Шукур Холмирзаевнинг шаклланган ёзувчи эканлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Бойсун туман ҳокими ўринбосари Хидир ака ёзувчини олмос ҳам кесолмайдиган тошни ҳар йили ёриб чиқиб, баҳорда гуллайдиган туғдонага ўхшатиб, бойсунликлар қалб қўри, кўз нури ила тикилган чопон, дўппи ва қийқчани тақдим этиб, ажойиб ташбеҳи ва совғаси билан даврага Бойсун нафасини олиб кирди.

Кўпгина ёзувчи ва шоирлар Матёқуб Қўшжонов бошқарган адабий тўгаракда камолга етгани сир эмас. Устоз ҳам шогирдини қутлар экан, ажойиб лутф этдилар: — Уни Шолоховга, Хемингуэйга ўхшатадилар, аммо у Шукур Холмирзаев бўлиб қолаверади.

Оқсоқол адибимиз Одил Ёқубовнинг Бойсун тоғларидаги ов ҳақидаги ҳикояларини барча мириқиб тинглади ва рассом Рўзи Чориевнинг "Овчи Шукур Холмирзаев" портрети бежиз чизилмаганига иқрор бўлди. Ҳақиқатан тўрдаги портрет ниҳоятда жонли, ҳаётий ишланган. Бу рассомнинг ёзувчи учун ажойиб туҳфаси эди.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов доимо теша тегмаган гаплари билан мухлислар эътиборини тортади. — Экскаватор ер устида қандай ишласа, Шукур ҳам асарлари устида шунча кўп ишлайди. У адабиётга Бойсун одамларининг соддалигию ажойиб фазилатларини олиб кирди. Қуръон Каримда яхши бандасидан яхши амаллар, солиҳ фарзандлар, яхши шогирдлар қолади, дейилган. Дўстимда буларнинг ҳаммаси бор. Яқинда турмуш ўртоғимга "Ёзувчиларнинг хотинига қийин, бир гап кам, икки гап кўп, инжиқликларимга чидаб яшаб келаётганинг учун сенга ҳайкал қўйса арзийди" десам, "Унда Шукур аканинг рафиқаларига иккита ҳайкал қўйиш керак", дейди.

"Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири, шоир Азим Суюн ёзувчи асарларини битта қўймай ўқиши, руҳан унга яқинлик ҳис этиши тўғрисида сўзлаб, Шукур Холмирзаевни насрга тоғ бўлиб кириб келган зот дея таърифлади.

Шунингдек, Ўзтелерадиокомпанияси муҳаррири Тўра Мирзо, шоир Усмон Азим, нашриёт ходими Ортиқбой Абдуллаев, университет талабаси Зиёда Акбарқулова, "Ёзувчи" газетаси муҳаррири Мурод Абдуллаев ва бошқалар ҳам ёзувчини чин дилдан қутладилар.

Камтарин ва олижаноб ёзувчи ўз таваллуд кунида ҳам университет домлалари, уларнинг авторитети ҳақида гапириб, уларга миннатдорчилик билдирди.

Биз ҳам кўп минг сонли ўқитувчилар ва ўқувчилар, маърифатчилар номидан газетамиз орқали адибимизни муборак 60 ёшлари ила қутлаймиз ва ижодий режалари амалга ошишига тилакдош бўлиб қоламиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат"нинг жамоатчи мухбири

Ўтган йили республика миқёсида ўтказилган "Яшил чироқ" танловида қатнашиб совринли ўринлардан бирини қўлга киритган Бухоро шаҳридаги 4-мактабнинг "Ёш назоратчи" автомодел тўгараги қатнашувчилари (суратда) 10-синф ўқувчиси Умид Содиқов, 8-синф ўқувчиси Шаҳриёр Бақоев ва 10-синф ўқувчиси Ҳабиб Ғуломовлар радио билан бошқариладиган машина моделини яратдилар. Улар ҳозирги кунда ҳам тинимсиз изланиб, бу йил бўладиган "Яшил чироқ" кўригида "Ёш назоратчи"лар сафида иштирок этишмоқчи.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Bahor ilhomlari

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЗАВҚИ

Кўз-кўз айлаб, кириб келди навбаҳор,
Олам ёришди тонгдек, борлиқ бўлди чароғон.
Табиат либосини ўзгартирди бир зумда,
Кўкаламзор майсага қопланди атроф, ҳар ён.

Баҳорга пайваст бўлиб файз таратди далалар,
Қир-адирда очилди қизил алвон лолалар.
Кўнгил-диллар яшнади анвойи ранг гуллардан,
Кўча-кўйни тўлдириб, завққа тўлди болалар.

Қандай гўзал юртимиз, жамолига тўймаймиз,
Унинг ҳар бир гардини кўзга суртиб қувнаймиз.
Тупроғи зар, суви мўл, ўхшаши йўқ, мислсиз,
Шу Ватанни улуғлаб, бор овоз-ла куйлаймиз.

Маҳмуджон СОДИҚОВ,
Тошкент молия институти профессори

* * *

Аждодларим қутлаб ўтган азиз айём бу,
Ҳур Истиқлол қайтиб берган буюк инъом бу,
Умрим бўйи шарафласам мангу илҳом бу,
То ҳаётман мадҳинг ёзиб куйлайин мен ҳам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Ирмоқларда шилдир-шилдир сувлар оққайдир,
Бобо қуёш ўрикларда чақмоқ чаққайдир,
Бинафшанинг атри билан тонглар отгайдир,
Еру кўкни гулга ўраб яшнатар кўклам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Авжи кўклам рақсга тушар ҳислар туғёни,
Наволарга тўлиб кетар юртнинг ҳар ёни,
Шундай кунга етганларнинг йўқдир армони,
Олам-олам орзуларга йўлдошсан бу дам —
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Тонгда туриб ҳар майсанинг умрин тилайман,
Бойчечакка сирдош бўлиб кўнгил сўрайман.
Қалдирғочнинг парвозига парвоз улайман, —
Кўзларида ҳайрат тўла югурар болам,
Хуш келибсан, Салом сенга Наврўзи олам!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспиранти

Xullas...

ТЎҚҚИЗИНЧИ ҚАВАТДАГИ ЭЧКИЛАР

Кўп қаватли, кўп хонадонли уйларда мол боқишни ким қўйибди? Дил кетса қийин экан-да...

Пермлик пенсионер Анатолий Биков ва унинг кампири Тамара Кушнирлар бешинчи қаватда эчки боқишмоқда. Жами эчки ва улоқлар сони 21 та. Сонини кўпайтирадими ёки уларни мутлақо йўқотадими, бир қарорга келмаса бўлмайди. Чунки қўшнилар дод дейишмоқда. Эртаю кеч маъраб, қулоқ-миянги қоқиб қўлга берса, бундай шовқин кимга ҳам керак?

Чол-кампирларнинг фермер бўлиб, катта даромад орттириш ҳақидаги орзулари орзулигича қоладиганга ўхшайди.

Уларга "Оёқни узатиб, қарилик гаштини суриб ётмайсизми?" дейдиган одам йўқ.

ИЛОН ЎЙНАТУВЧИ

Сурия лик Фалк Хаурани 14 ёшидан бери заҳарли илонларни ўйнатиб келади. Томошанинг зўрларини кўрсатиб, ўзи ҳам не бир азобларни бошидан кечирмади.

Уч йил муқаддам Фалкни илон тишлаб олди. 6 соатгача ўзига келолмади. Шундан сўнг у илон заҳрига дош берадиган қобилиятни ўзида мужассам этишга ҳўп уринди, ҳўп уринди...

Илон ўйнатувчи бир вақтнинг ўзида 10 тагача заҳарли жонзот билан "тиллаша" олади.

ҚУШЛАР БИЛАН "ТИЛЛАШИБ"

"Элита" қишлоқ хўжалик бирлашмасининг раиси Геннадий Кряжев ташкил этган ҳайвонот боғида қушларнинг 150 тури мавжуд. Илк бор бу ерга каптарлар келтирилган эди. Оғирликлари эса 15 граммдан, 1,5 килогача.

Турна, оққуш, бедана, ёввойи ўрдак, қирғовул, тутиқуш, товуслар билан "тиллашиш"нинг ўзи бўладими?

Ҳайвонот боғидаги ҳар бир жониворнинг бу ерга келиб қолиш "тарихи" бор. Масалан, анави бўғучанинг онасини браконьерлар ҳалок қилишгач, Кряжев уни ўз қарамоғига олди. Приморье ўлкасидан келтирилган қийшиқ оёқ бу ерга келтирилганда, ўзини ўзи эплолмасди.

Геннадийга ёрдам бераётган унинг қизлари Лиля ва Юлядир. Ҳозирга қадар уларга эргашиб келган болалар сони аниқ бўлмасада, анча. Бунисиқ майли, ҳайвонот олами билан қизиққанлар қўшни қишлоқлардан ҳам келишмоқда.

Кряжевнинг мақсади ҳам шу—мижозларни кўпайтириш.

МУШУК ҚИЁФАСИДАГИ РОБОТ

Токиода "BN-1" русумли хонаки робот харидорлар ҳукмига ҳавола этилди. Унинг ташқи кўринишидан мушукка ўхшаш. Ишлаш тамойили ҳам мушукнинг ҳаракатларини эслатади. Кўзлари эса электрон, ёниб-ўчиб туради. Саккиз хил ҳаракатни эплайди; сакраш, думалаш, ётиш, миёвлаш ва бошқалар. Қисқаси, интеллектнинг барчаси сунъий.

Робот мушукнинг оғирлиги 780 грамм бўлиб, шу йил кузда 480 доллар нархда сотўга чиқариш мўлжалланмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси ҳамда касаба уюшмаси "Табиий фанлар" кафедраси мудири Ойдин Ҳайдаровага онаси

Кимсанхон ая СОЛИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Маърифат" газетаси жамоаси таҳририят ходими Сурайё Шайховага акаси

Абдулазиз ҲАСАНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Сирғали туман ХТБ ҳамда 3-мактаб ўқитувчилар ва ота-оналар жамоаси шу мактаб директори

Галина ЛАДЫЖЕНСКАЯнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Sport

ЎРИН АЛМАШДИ

Ҳа, халқаро теннис федерацияси шу йил 20 мартгача бўлган энг машҳур теннисчилар таснифини эълон қилдию, ўрин алмашди. Рўйхатни бошқариб борувчи А. Агасси (АҚШ) россиялик теннис юлдузи Е. Кафельниковга жойни бўшатиб, иккинчи ўринга тушиб қолди.

ФОЙДАСИЗ ҒАЛАБА

Европа чемпионлари лигасида сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Киевнинг "Динамо" клуби "Бавария" футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлуб этишган бўлса-да, умумий натижага кўра, Лобановский шогирдлари лигани тарк этди. "Динамо"чилар учун фойдасиз, деб баҳоланган ғалаба рақиблар учун ҳам зарарсиз бўлди.

АРТУР МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА

Бокс бўйича 11 марта жаҳон чемпиони Артур Григорян Наврўз тантаналаринги Тошкент вилояти ХТБга қарашли 78-махсус ёрдамчи мактаб-интернатда нишонлади. Чемпион болаларга шахсий эсдалик совғаларини топширганда йиғилганлар спорт саломатлик ва саховатдан иборат эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.

ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

Юлдуз Ҳамроқулова — ақл гимнастикаси бўлган шахмат ўйини усталаридан. Яқинда Испанияда 98 мамлакатдан қатнашган 934 нафар ёш шахматчи ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида махсус совринга эга бўлган эди. Яқинда Юлдуз Президентимизнинг ҳам совғаларини қабул қилиб олди.

ЙИЛИГА 5,8 МЛН. ДОЛЛАР

Испания футболининг асоси — "Реал" жамоаси ҳужумчиси Раул Гонсалес Италиянинг "Лацио" клубидан таклиф олди. Унга кўра, Раул ҳар йили 5,8 млн. доллар (АҚШ) нақд пул олиб туриши мумкин. Лекин Гонсалес пулдан кўра ўз мавқеи хусусида кўпроқ ўйламоқда.

maydonchasi

ДУНЁ ҚЎШИҚ БИЛАН ЧИРОЙЛИ

Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги йилларда республикамиз миқёсида утказилаётган турли кўрик-танловларда янги истеъдодлар, янги овозлар кашф этилаяпти. Шундай ширали овоз соҳибларидан бири, 1998 йилги "Узбекистон Ватаним маним" қўшиқлар танлови совриндори, Муҳиддин Қориёқубов номидаги "Узбекнаво" академик ва бадиий жамоалар дирекциясига қарашли "Армуғон" ансамбли яккахон хонандаси Зафар Давлатёровдир.

— Бизнинг ансамбль жамоаси, — дейди Зафаржон, — миллий халқ йўналиши йўлида ижод қилиб, бугунги кунда халқимизнинг асрий орзуларини, қалб дардини, умуминсоний қадриятлар ҳақида куйламоқда. Аҳмаджон Тоиров сўзи билан айтиладиган "Одамлар" қўшиғи бунинг исботидир. Севги, муҳаббат мавзуида ҳам қўшиқларимиз йўқ эмас. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Қўйгил у кунларни эслатма менга", Муҳаммад Юсуфнинг "Келинчагим" каби қўшиқларимиз аллақачон ўз мухлисларига эга десак, мақтанчоқлик бўлмас.

Ансамблимиз саккиз кишидан иборат. Унда бадиий раҳбар ўзим. Мусиқа раҳбари Абдулҳамид Тошбоев, бастакор Мансуржон Парпиев, найчи созанда Дилмурод Абдужалилов, созандалар Дониёр Саъдуллаев, Ўмарали Бултеров, Акбар Мирзаевлардир.

Вилоятларга чиқиб, концертлар уюштирамиз. Яқинда вилоятлардан бирида концерт бериб, она-юрт, Ватан, миллат ҳақидаги қўшиқларимизни тинглаётган қишлоқ одамлари чеҳрасида қатъият, ишонч, юртга муҳаббат туйғуларини илғаб олдим-ки, демак, халқимизга бу туйғуларни сингиришда, уларнинг қалбига қўшиқ қилиб етказишда ҳар қалай биз, санъаткорларнинг ҳам меҳнатимиз зое кетмаганлигидан қувондик.

Шундан сўнг, Зафаржон ансамблнинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам гапирди.

Биз эса Зафаржон Давлатёровга ва унинг "Армуғон" ансамбли йигитларига улкан зафарлар тиладик.

Насриддин БОТИР,
"Маърифат" мухбири

Суратда: "Армуғон" ансамбли аъзолари.

Б.Ризоқулов олган сурат.

"ОРЗУ"НИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Ўтган ҳафтанинг пайшанба куни XVII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг иккинчи давра учрашуви бўлиб ўтди. Ярим финалга чиқиш учун Бухоро вилояти Когон туманидаги 15-мактабнинг "Орзу" ва Хоразм вилояти Урганч туманидаги 3-мактабнинг "Ёшлик" командаси ўзаро беллашишди.

"Орзу" командаси аъзолари барча беллашувларда рақибларига қараганда устунликларини яққол намойиш қилишди. Жумладан, дастурнинг биринчи беллашуви — "Соғлом авлод йили" сўзини финиш чизиғидаги шитга илиб қайтишда тўсиқлардан чаққонлик билан сакраб ўтиш, ўмбалоқ ошиб югуришда саросимага тушмаслик "Орзу"га илк ғалаба келтирди. "Арқон билан тутиш" мусобақасида ҳам бухоролик ўқувчилар абжирликларини кўрсатишди ва яна 3 та очко олишди.

Дастурнинг "Аралаш эстафета" мусобақасида ҳам "Орзу"нинг қўли баланд келди. Лекин ҳакамлар ҳайъати аъзолари йўл қўйилган хатони ҳисобга олиб, уларга 2 очко беришди.

"Орзу" командаси аъзолари дастурдаги 7 та беллашувда ғалаба қозонганликларининг ўзи улар маҳоратидан далолат бериб турибди. "Ёшлик" командаси аъзолари (8 ўғил ва 8 қиз) "Ўрин алмашиш" мусобақасида анча дадил ва чаққон ҳаракат қилиб, ғалаба очкоси (3 очко) олишди. 1 та ўғил ва 1 та қиз иштирокидаги "Сардорлар баҳси" танловида ўғил болалар ўртасида "Ёшлик", қизлар беллашувида "Орзу" командаси ғолиб чиқиб, 1 тадан очко соҳиби бўлишди.

Шундай қилиб, Когон туманидаги 15-мактабнинг "Орзу" командаси Урганч туманидаги 3-мактабнинг "Ёшлик" командаси устидан 25:12 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финал мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини олди.

Ярим финал мусобақаси қатнашчилари — Наманган, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри командалари республика чемпиони бўлиш учун ўзаро беллашишади.

"Quvnoq startlar"

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

XVII республика "Қувноқ стартлар" телемусобақасининг навбатдаги иккинчи даврасида Фарғона вилояти Данғара туманидаги 26-ўрта мактабнинг "Данғара" ва Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 5-ўрта мактабнинг "Оқ олтин" командалари ўртасида беллашув бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувнинг илк мусобақаси — "Қирқ тош" ўйинида ҳар икки команда аъзолари (8 ўғил ва 8 қиз) финиш чизиғидаги чамбарақдан қоидага хилоф равишда, югураётган ўқувчи ўтмасдан олдин чиқиб кетганлиги учун жиддий огоҳлантирилдилар ва уларга мағлубият очкоси (1:1) берилди. Иккинчи мусобақада ҳам қоида бузилишлари эътиборга олиниб, маррага биринчи етиб келган "Оқ олтин" командасидан 1 очко олиб ташланди ва 2 очко берилди.

Навбатдаги "Бўрон" мусобақаси жуда кескин ва муросасиз бўлди. Бунда чаққон ва абжир ҳаракат қилган сирдарёликлар 3 очко соҳиби бўлишди. "Баскетболчи болалар" беллашувида (6 ўғил ва 6 қиз) "Данғара" командаси ғолиб чиқди. "Чаққонликда беллашайлик" баҳсида йўл қўйилган хатолар ҳисобга олиниб, дуранг (2:2) натижа қайд этилди.

"Арқон тортиш" (5 тадан ўғил болалар) мусобақасида "Данғара" командаси аъзолари ғалаба қозонишди ва 11:10 ҳисобида олдинга чиқиб олишди.

Дастурнинг "Аралаш эстафета", "Ҳажвий хоккей" мусобақаларида сирдарёликларнинг қўли баланд келди. "Акробатчи қизлар" баҳсида дуранг (2:2) натижа қайд этилди. Дастурнинг охирги баҳси — сардорлар мусобақасида сирдарёлик ўғил бола ва фарғоналик спортчи қиз ғолиб чиқиб, 1 тадан очко соҳиби бўлишди.

Кескин ва муросасиз беллашувда 19:16 ҳисобида ғалаба қозонган "Оқ олтин" командаси ярим финалда қатнашадиган бўлди.

Ғ.МАННОПОВ

QUTLOV

Ҳурматли ҳамкасбимиз Карим МАҲКАМОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Аҳил жамоамиз раҳбари сифатида олиб бораётган ишларингизда омадлар тилаймиз. Ҳамиша соғу саломат бўлинг.

Сирғали туманидаги 298-мактаб жамоаси.

Ҳурматли устозимиз Азиз АҒЗАМОВ!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Тилагимиз— сизни ҳеч қачон соғлик ва саломатлик тарк этмай, жамоамизга қўшган ғайрат ва шижоатингиз бундан ҳам юксалаверсин.

Абдулла Авлоний номли ХТХМОМИ (ректорати) жамоаси

200 СЎМИМГА АЧИНМАДИМ...

Дунёда инсон учун энг муҳим нарса нима? Албатта, тани соғлик. Яқин кишиларинг, айниқса, ёш боланнинг тоби қочса қанчалик саросимага, ташвишга тушасан киши.

Яқинда 3 яшар болам қаттиқ шамоллашдан тоби қочиб, анча вақт безовталанди.

Шифокор ёзиб берган дори-дармонларни топиш учун "Фарҳод" бозорига яқин жойдаги дорихонага кирдим. Ёши 20-22 лардаги тўлачадан келган, мўйловли йигит "келинг кенойи, нима керак?" деб қарши олди. Қўлимдаги шифокор ёзиб берган қоғозни унга тутқаздим. У қоғоздаги дориларни тез-тез стол устига қўйдию, нархини ҳисоблаб "800 сўм бўлади" деди. Чўнтагимдан пулларни олдим-у, аввал 50 сўмлик пулларни санадим. 12 та 50 сўмлик пулни ажратдиму, хаёл билан 100 сўмлик пулни ҳам 50 сўмлик деб ўйлаб, 4 тасини қўшиб узатибман. Сотувчи қўлимдан пулни олар экан, ғалатироқ қараб пулларни кассага солди. Стол устидаги дориларни сумкамга солдиму, эшик томонга юрдим.

Afsus

Тўсатдан пулни кўп тўлаб юборганим хаёлимдан кечдию чўнтагимдаги пулни шошиб санадим. Уйдан 2 минг сўм пул билан чиққан эдим. Санаб кўрсам минг сўм қолган. Дарҳол сотувчининг олдига қайтдим-да унга 200 сўм зиёд бериб юборганимни тушунтира кетдим. У бўлса "Йўқ, билмадим, хаёлингиз жойидами?" деб устимдан кулгандек бўлди. Сотувчи йигит ўзини оқлашдан нарига ўта олмагач, унинг маккорона кўзларига тик қарадиму: "илоё, шу ерда ким ноҳақ бўлса, топгани ҳаромга буюрсин, ҳар кимнинг жазосини худо берсин!" дедим ва қизчамнинг қўлидан етаклаб дорихонадан чиқиб кетдим.

Йўл бўйи ғазабдан аъзои баданим титради. Бу ҳолат арзимаган 200 сўм пулим учун эмас, орамиздаги нопок нусхаларнинг учрашидан эди.

Йўл-йўлакай энг тоза, беғубор ҳамроҳим - гўдагимнинг бошини силаб, хаёлга толдим! Яхшиямки, дунёда поклик, иймон тушунчалари бор. Бўлмаса, бу дунё не кўйга тушарди?

Дилдора БОЙМУРОДОВА
Тошкент шаҳри

СУВ КЕЛТИРАР МАРД КИШИ

Экин экар ҳар киши,
Сув келтирар мард
киши.

* * *

Эл қадрини эл билар,
Сув қадрини — ер.

* * *

Тоққа ёғса, чўл обод,
Чўлга ёғса, эл обод.

* * *

Томчи сел бўлмас,
Иғвогар эл бўлмас.

* * *

Тома-тома кўл бўлар,
Томмай қолса, чўл
бўлар.

* * *

Тоза сувни ер олар,
Яхши сўзни эл олар.

* * *

Сувни чим тўхтатар,
Сўзни чин тўхтатар.

* * *

Сувни сеп сингар ерга,
Сўзни айт сиғар ерга.

С. ОЛИМОВ тўплади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб) Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Шерали НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-197. Тиражи 50.041.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 21.00.